O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Da'vat**

*Болага таълим беришдан мақсад, уни келгусида ўқитувчининг кўмагисиз униб-ўсишга лаёқатли қилишдир.*

**Эльберт ХАББАРД**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 4 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 52 (7351)

**Ibrat**

***Андижон вилояти Жалақудуқ туманининг Алимайдон қишлоғида 350 ўринли мактаб-интернат биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

## МОСКВАДАН ТЎРТТА ОЛТИН ВА БИТТА БРОНЗА БИЛАН



Халқаро алоқаларда расмий тил деб эътироф этилган 6 тил ичида рус тили алоҳида ўринга эга. Маълумотларга кўра унга қизиқиш жаҳон бўйича йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунда рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг халқаро ассоциацияси томонидан ҳар уч йилда ўтказиладиган рус тили бўйича халқаро олимпиаданинг ҳам ўрни бор. Ўзбекистонлик ўқувчилар ушбу олимпиадада бу йил иккинчи бор иштирок этишди ҳамда улкан муваффақиятга эришишди. 25 июнь —1 июль кунлари Москва шаҳрида, Пушкин номидаги рус тили Давлат институтида бўлиб ўтган 10-халқаро олимпиадада 41 та давлат вакиллари иштирок этишди. Унда юртимиздан 5 нафар иқтидорли ўқувчилар иштирок этиб, 4 нафари олтин, бир ўқувчимиз эса бронза медалига са-

**Faxr**

зовор бўлдилар. Фарғона шаҳридаги 2-мактаб 11-синф ўқувчиси Гуландон Юсупова, Тошкент шаҳридаги 116-мактаб 11-синф ўқувчиси Елена Калинина, Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси 9-синф ўқувчилари Гулисанам Каримова ва Пўлат Солиҳовлар ўз гуруҳларида 1-ўринни олиб олтин медаль соҳиби бўлган бўлсалар, Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси 9-синф ўқувчиси Фурқат Полвонзода бронза медалига сазовор бўлди. Болаларнинг бу муваффақиятида устозлари Маргарита Ким, Галина Иванова, Санъат Исломбекова, Гули Харратова, Турсуной Ҳусниддиноваларнинг хизматлари албатта беқиёс.

**Ҳусан НИШОНОВ**

**Суратда: халқаро олимпиадада ғолиб бўлган ўқувчилар билан.**

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

## НИМАНИ ВА ҚАНДАЙ ЎҚИТИШ КЕРАК?

*Яқинда бўлиб ўтган республика ўқитувчиларининг биринчи конференциясида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" дарсини ўтиш энг муносиб ўқитувчиларга юкланиши лозимлиги айтиб ўтилган эди. Бу фикр узлуксиз таълимнинг олий таълим бўғинига ҳам тегишли.*

*ЎзМУ қошидаги олий педагогика институтида шу мақсадни кўзловчи "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича олий ўқув юртлари педагоглари учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари машғулотлари 4 босқичда бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги барча олий ўқув юртларидан 450 нафар педагог ходимлар иштирок этдилар. Уларга С.Ғуломов, Ғ.Шоумаров, Ш.Шаропов, Қ.Назаров, З.Тошматов, Б.Тўраев, М.Қуронов, В.Каримова, Н.Саидаҳмедов каби яна бир қанча таниқли олимлар маърузалар ўқишди. Давра суҳбати, фикр алмашув ва баҳс-мунозаралар ўқитувчиларнинг зиммаларидаги масъулиятни янада ойдинлаштирди.*

*Курсларнинг мақсади ва мазмуни, аҳамияти ҳақида Олий педагогика институти олий таълим педагогикаси кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Нурали Саидаҳмедов шундай дейди:*

*— "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитиш 15 та олий ўқув юртида тажриба-синовдан ўтказилди. Бугун ниҳоясига етаётган семинар, малака ошириш курслари машғулотлари давомида бу борада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва галдаги вазифалар, муаммолар муҳокама қилинди.*

*Педагогикада "нимани ўқитиш керак?" ва "қандай ўқитиш керак?" деган иборалар бор. Биз дарс ўтувчи ўқитувчилар билан биргаликда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича юқоридаги икки саволга жавоб изладик. Билим ва кўникмаларни яхлитлаштириш, анъанавий ўқитиш тизимидан воз кечиб, янги педагогик технологиялар асосида талабага таълим бериш, миллий истиқлол ғоясини таълим-тарбия мазмунига сингдириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдик. Ўйлайманки, бу мунозаралар ўз самарасини беради.*

**Ҳ.НИШОНОВ**

## КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТИЗИМ

**Farzandlari sog'lom yurt qudratli bo'lur**

Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун қалб қўри, куч-қудратини бахшида этадиган, ҳар жиҳатдан баркамол фарзандларни вояга етказган юртнинг келажаги буюкдир, бундай юрт ҳеч қачон бировга қарам бўлмайди, бундай юрт жаҳон ҳамжамиятида ҳамиша ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларни ана шундай олижаноб мақсадлар руҳида тарбиялашга қаратилган улкан саъй-ҳаракатларининг дастлабки натижаси ўлароқ мамлакатимизда ёш авлодни камол топишга йўналтира оладиган самарали жисмоний тарбия ва спорт тизими шаклланмоқда.

Мазкур тизим "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига ҳамоҳанг бўлиб, у ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига мунтазам жалб қилишни таъминлайди.

Ушбу тизим ғоят кенг қамровли бўлиб, унинг оммавий спортни ташкил қилиш таркиби қуйидаги бир нечта бўғинлардан иборатдир.

Биринчи бўғин — "Умид ниҳоллари" ўйинларини қамраб олади, бу мусобақалар ҳар йили тўрт босқичда ўтказилади.

Биринчиси — мактаб босқичи, сентябрь-октябрь ойларида барча синфлар ўртасида белгиланган спорт турлари бўйича ўтказилади. Унда 1-4, 5-7 ҳамда 8-11-синф ўқувчиларидан ташкил этилган мактаб терма жамоалари кейинги босқичга йўлланма оладилар.

Иккинчи — мактаб терма жамоалари учун туман(шаҳар) босқичи, у октябрь-ноябрь ойларида 5—7, 8—11-синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ва 1—4-синфлар учун кузги таътил вақтида қувноқ спорт ўйинлари тарзидаги якуний босқич, яъни финал билан якунланади.

Учинчиси — туман(шаҳар) терма жамоалари учун вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)босқичи, у ноябрь-январь ойларида 8—11-синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ўтказилади ва 5—7-синфлар учун қишки таътилда финал ўйинлари билан якун топади.

Тўртинчиси — туманларнинг 8—11-синф ўқувчилари терма жамоалари учун баҳорги таътил пайтида финал босқичи билан якунланади.

Мамлакат финал босқичи мусобақалари вилоятларнинг (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) 8—11-синф ўқувчилари терма жамоалари ўртасида апрель ойида бўлиб ўтади.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур мусобақалар юртимиздаги барча мактаб ўқувчиларини ўз доирасига қамраб олади ва спортни уларнинг кундалик эҳтиёжига айлантиришга, шу орқали миллат генофондининг соғлом бўлишига хизмат қилади. Ҳар босқичларда терма жамоалар тузилиши туфайли иқтидорли ёш спортчиларнинг спорт турлари бўйича маълумот банки тузилади.

(Давоми 4-бетда)

## JUMLADA JAHON

**+ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра шу йилнинг 1 августидан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,4 баробар, барча турдаги пенсиялар ўрта ҳисобда 1,45 баробар ошади.**

**+ "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ахолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида" Вазирлар Маҳкамаси Қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК ҳамкорлигида кўчма шифохона, зарур ташхис ускуналари билан жиҳозланган "Саломатлик" поезди ҳамда 22 миллион сўмлик дори-дармон ушбу ҳудудларга жўнатилди.**

**+ "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижроси кўрилган Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг навбатдаги йиғилишида вилоятда бу борада қилинган бир талай ижобий ишлар қаторида уларга соя соладиган кўпгина муаммолар, камчиликлар ҳам борлиги танқид қилинди.**

**+ Қозоғистонда эълон қилинган солиқ авфига кўра 20 кун ичида яширин тарзда мамлакатдан олиб чиқиб кетилган маблағларни қайтариб олиб кириш мумкин ҳамда давлат ушбу расмийлашган маблағлардан солиқ олмаслик, уларни ҳеч қандай жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортмаслик кафолатини бермоқда.**

**+ Гаага халқаро трибуналига топширилган Югославия экс-президенти Слободан Милошевич ўзига қўйилаётган айбловларнинг барчаси сиёсий тусда эканлиги боис уларнинг ҳеч бирига иқрор бўлмаслигини эълон қилди.**

## УШАЛГАН ОРЗУЛАРИМИЗ

***"Бугун — ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизнинг орзу-умидлари ушалган муборак кунда сизларга оқ йўл тилар эканман, олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало, ўзингизга, бутун эл-юртимизга бахту саодат келтирсин, дейман".***

Бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига йўллаган табригидан иқтибос. Албатта, истиқлол меваси бўлмиш академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида энг янги педагогик технологиялар асосида билим олган бу ёшларга бугун нафақат мамлакат раҳбари, балки уларнинг ота-оналари, устозлари, керак бўлса, бутун Ўзбекистон халқи умид ва ишонч билан кўз тикиб турибди. Шўролар даврида тушимизга ҳам кирмаган шоҳона қасрларни эслатувчи янги лицей ва коллеж биноларини кўрган ҳар қандай киши бу соҳага эътибор давлат миқёси даражасига кўтарилганини англаб етиши қийин эмас. Зеро, бугун таълим тизимидаги ислоҳотларни маблағ билан таъминлаш учун республика бюджетининг жуда катта қисми ажратилмоқда.

Мана, ислоҳотлар оқимининг бош манбаи бўлган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги қонун асосида бутун мамлакат бўйлаб янги турдаги таълим муассасалари — академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари очилганидан бери орадан уч йил вақт ўтди. Ана шу йиллар мобайнида лицей ва коллеж талабалари ўзларини тўла намоён этиб, тобора кўпроқ кўзга ташлана бошлади. Муболаға қилмай айтиш мумкинки, улар ижтимоий ҳаётдаги айнан Президент назарда тутган, айнан миллий дастур ва "Таълим тўғрисида"ги қонунда кафолатланган ўз ўрнини топмоқдалар.

Ўтган ҳафта ниҳоясида Ўзбекистон Республикасида бундан уч йил муқаддам ташкил этилган 15 та академик лицей ва 20 та касб-ҳунар коллежини муваффақиятли битираётган 4890 нафар ўқувчи-талабаларга ушбу таълим муассасаларининг махсус дипломларининг топширилиши бу мақомни расмий жиҳатдан тасдиқлади. Ана шу дипломларни топшириш маросимлари бўлиб ўтган пойтахтимиздаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида газетамиз мухбирлари ҳам иштирок этдилар.

***

Барчамизга маълумки, бундан уч йил аввал Президентимиз ташаббуси билан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилган эди. Бугун мазкур коллежларга қабул қилинган ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар. Шаҳримизнинг Ҳамза туманидаги Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежида ушбу янги тизимнинг биринчи битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Битирувчиларнинг юзкўзларида қувонч ва фахр туйғуси яққол сезилиб турибди. Коллеж директори Қобил Йўлдошев уларга Президентимизнинг "Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига" йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Жамоат ишларида фаол иштирок этган ўқувчиларга Ҳамза тумани ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

ТДАИ ректори Ш.Ғаниходов сўзга чиқиб, илк қалдирғочларни самимий қутлади ва битирувчиларнинг энди ҳаётда мустақил касб эгаси эканликларини эслатиб, юксак масъулият билан ишлашга даъват этди ҳамда юртимизнинг жаҳон саҳнасида муносиб ўрнини топишида уларнинг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

Коллежни "аъло" баҳо ва намунали хулқ билан битирган ўқувчиларга "Самолёт" модели тақдим этилди. Юраклари ҳаяжонга лиммо-лим тўлган ўқувчилар уч йил давомида касб сирларини ўргатган

**Qutlug' ostona**

қадрдон устозларига ўз миннатдорчиликларини ва дил изҳорларини баён этдилар.

Ўқувчилар интизорлик билан кутган маълум касб эгаси эканликларини тасдиқловчи дипломни коллеж директори топшириб, ҳаётда уларга оқ йўл ва порлоқ келажак тилади.

Тадбир сўнгида ўқувчилар юртимиз равнақи йўлида ҳеч тинмасдан ишлашга ва Президентимизнинг уларга билдирган юксак ишончини оқлашга қасамёд этдилар.

***

Уч йил бир гуруҳда ўқиб, бирга ўсган дўстларнинг бирбирлари билан хайрлашиш онлари қанчалик оғир ва ҳаяжонли эканлигига пойтахтимиздаги қатор касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари битирувчилари юзида яққол сезилиб турди. Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежидаги битирув кечаси ҳам ана шундай ҳаяжонли ва севинч кўз ёшлари билан ўтди.

Битирув кечасида Президент девони масъул ходимлари Норқўзи Қувватов, Минҳожиддин Мирзо, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказий раҳбари Жуманазар Ҳусанов, Чилонзор тумани ҳокимлигидан вакиллар ҳамда бир қатор коллеж ва ҳомий ташкилотлар раҳбарлари, ота-оналар иштирок этишди.

Битирув кечаси педагогика коллежи директори Озода Эшонхўжаеванинг Президентимизнинг "Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига" йўллаган табригини ўқиб эшиттириш билан бошланди. Шундан сўнг давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз коллеж ҳовлиси узра баланд кўтарилди. Мадҳия тугагач, Ж.Ҳусанов сўз олиб, бундай лаҳзалар ҳаммага ҳам насиб этавермаслигини, келажакда битирувчилар ўз олдиларидаги шарафли ва машаққатли вазифаларни уддалай олиши, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз ақлзаковати ва билимини аямай, фидойиларча меҳнат қилажагига ишонч билдирди.

1998 йилдан бошлаб педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежи мақомини олган ушбу ўқув масканида ҳозирда 556 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шу куни ушбу талабаларнинг 200 нафари коллежни икки йўналиш, 5 та мутахассислик бўйича тамомлаб унинг илк қалдирғочлари бўлишди. Уларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилгач, кеча куй-қўшиқ ва ўйин-кулгилар билан давом этди.

***

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда ҳам байрам шодиёналари анча вақтгача давом этди. Ушбу маросим лицейнинг илк битирувчилари учун бутун умрга эсда қоларли воқеа бўлиб қолса, ажаб эмас. Сабаби, улар маълум бир касб эгаси бўлганликларидан далолат берувчи дипломларни илк бор қўлларида ушлашга муваффақ бўлдилар.

(Давоми 2-бетда)



**Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти доценти Бахтиёр Шоймардонов томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қовунни қайта ишлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Мазкур технологияга асосан, эндиликда бир тонна қовундан 160 кг.гача жем ёки 65-70 кг. қуюлтирилган, тилни ёрадиган даражадаги таъми туфайли "қовун асали" номини олган қиём олиш мумкин.**

### ЯНА БИР ИСБОТ

**Американинг Жанубий Дакота штати ҳудудидан қадимшунослар унча катта бўлмаган динозаврнинг тошга айланган скелетини топишди. Топилманинг қимматли жиҳати жонивор юрагининг бутунлигича сақланганлигидадир. Тузилишига кўра ҳозирги қуш ва сут эмизувчилар юрагига ўхшаб кетувчи жонивор юраги динозаврлар иссиқ қон жонивор бўлганлигини яна бир бор исботлайди.**

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

**Дунёдаги биринчи босма китоб германиялик Иоганн Гутенберг томонидан 1454 йилда чоп этилган "Инжил"дир. 1976 йилда Американинг Колорадо штатида нашр этилган "Суперкитоб" энг улкан китоб саналади. Унинг бўйи 3 м. 7 см., эни 2 м. 74 см.дан иборат. Энг митти китоб эса, Шотландиянинг "Гленифер-пресс" нашриётида тайёрланган, ҳажми 1 квадрат миллиметрдан иборат "Кекса қирол — Коул" номли эртаклар тўпламидир.**

### СУТНИНГ ХОССАЛАРИ

**Мутахассисларнинг аниқлашларича, бир литр сут ўзининг тўйимлилиги жиҳатидан 50 гр. мол гўштига, 3 кг. карамга, 3-4 кг. помидор ёки бодрингга тенг бўлади. Шунча миқдордаги сутда мавжуд бўлган оқсил 8 та тухумдаги оқсилга баробар экан.**

*Диплом билан бирга лицейда бу йилдан асос солинган "Бизнинг фахримиз" китобига биринчилардан бўлиб номлари битилган энг фаол ўқувчиларга махсус совғалар, фахрий ёрлиқлар ҳам топширилди.*

*Яқинда Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимларига уларнинг касб байрамлари муносабати билан йўллаган табригида ҳам айнан журналистларнинг ихтисослашуви масаласига алоҳида тўхталгани менинг аҳдимни янада қатъийлаштирди.*



# УШАЛГАН ОРЗУЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Диплом топшириш маросими лицей ўқувчиларининг табриги ва ТТЕСИ ректори, профессор Ҳалима Алимованинг кириш сўзи билан бошланди. Бугунги тадбирнинг институт биноси ёнида ўтказилишининг рамзий маъноси бор. Сабаби, битирувчиларнинг кўпчилиги ушбу институт талабаси бўлиш орзусида. Шу куни маросим давомида лицей ўқувчиларининг турли олимпиада ва мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари ҳақида маълумот ҳам берилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йилги 75 нафар битирувчилардан 10 нафари имтиёзли диплом эгаси бўлишди. Тадбир сўнгида ўқувчилар, мураббийлар, ота-оналар ва лицей меҳмонлари давлатимиз томонидан яратилаётган шароитлар учун ҳукуматимизга, Президентимизга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.



***

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га асосан 1998 йилдан бошлаб янги мақомга эга бўлган Ўзбекистон миллий университети қошидаги С.Сироҗиддинов номидаги академик лицей ўқувчиларининг бир гуруҳи ҳам шу куни илк қалдирғочлар сифатида ёрқин келажак сари йўл олишди.

Шу куни байрамона безатилган академик лицей ҳовлисида ҳаяжон ва севинч билан илк битирувчилар саф тортишди. Лицей ҳовлиси узра давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз юксакларда ҳилпирай бошлади. Кечани академик лицей директори А.Юнусов Президент табригини ўқиб эшиттириш билан бошлади. Шундан сўнг сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов (суратда) илк битирувчилар ва уларнинг ўқитувчиларини республикамизда биринчи бор бўлиб ўтаётган битирув кечалари билан табриклаб, олдинда уларни масъулиятли дамлар кутаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шодиёнанинг энг ҳаяжонли дақиқалари академик лицейни илк бора уч йўналишда битираётган 60 нафар ўқувчига диплом ва эсдалик совғалари топшириш маросимида намоён бўлди. Шу куни энг аълочи 9 нафар ўқувчи имтиёзли диплом билан тақдирланди.

Яна шуниси эътиборлики, ушбу шодиёна куни битирув кечасига ушбу ўқув даргоҳини бундан 25 йил аввал битириб кетган собиқ ўқувчилар ҳам ташриф буюришиб, ёшларни бугунги қувончли кун билан муборакбод этишди ва уларнинг келгуси ишларида омадлар тилашди.

***

Шу куни Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежида ҳам 190 нафар битирувчига 4 та йўналиш бўйича дипломлар тантанали равишда топширилди. Тантанага йиғилганлар мазкур тадбир ёшларимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

***

48 нафар битирувчи(шу жумладан, 6 та имтиёзли)ларга ўрта махсус маълумот олганлик ҳақидаги дипломлар берилган Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицей ҳовлисида ўша куни ҳақиқий байрамона кайфият ҳукмрон эди. Диплом билан бирга лицейда бу йилдан асос солинган "Бизнинг фахримиз" китобига биринчилардан бўлиб номлари битилган энг фаол ўқувчиларга махсус совғалар, фахрий ёрлиқлар ҳам топширилди. Лицейдаги 1- ва 2-курс ўқувчиларининг ажойиб чиқишлари, ўқитувчи ва ота-оналарнинг нутқлари, осмонга оппоқ кабутарларнинг учирилиши эса тадбирга биз учун қадрдон бўлиб қолган "Охирги қўнғироқ" сингари ўзига хос романтик руҳ бахш этди.

***

Бугун узлуксиз таълим тизимида таълим масканларининг янги авлоди — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари нима мақсадда ташкил этилганлиги, ундан кўзланган натижа қандай эканлиги каби бир талай саволларга кўпчилигимиз амалий жавобни олдик. Жаҳон андозаларига мос равишда энг сўнгги русумдаги компьютер техникаси, кодоскоп, мультимедиа тизимлари каби ўқитишнинг замонавий воситалари билан таъминланган бу илм даргоҳларида таҳсил олиб, келажак сари дадил одимлаётган ёшларнинг билимини ошириш, тафаккурини ривожлантириб, дунёқарашларини кенгайтиришга, билим олишга, келажакда малакали мутахассис бўлишга иштиёқи баландлиги уларнинг ҳар бири билан бўлган суҳбатларда намоён бўлмоқда.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AKADEMIK LITSEY
DIPLOMI
I. № 0000056
Nargis Javdatovna Tulyaganova


REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DIPLOMA
OF ACADEMIC LYCEUM
WITH HONOURS
I. № 0000056
Nargis Tulyaganova
Institute of oriental studies





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KASB-HUNAR KOLLEJI
DIPLOMI
K № 0000996
Akhmedova Surayyo Azimdjanovna


REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DIPLOMA
OF PROFESSIONAL COLLEGE
K № 0000996
Akhmedova Surayyo Azimdjanovna
Professional College

**Одина МАМАТХОНОВА, Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи битирувчиси:**



*— Лицей ҳаётимдаги муҳим саҳифаларни очишимда замин бўлиб хизмат қилди.*

*Яъни, мен бу ерда фақат устозлар томонидан берилаётган билимни олиш билан чегараланиб қолмасдан, мустақил равишда илм ола билишга ўргандим, билим чўққиларини забт этишда рақобат нималигини, баҳсларда эса ҳақиқат туғилишини тушуниб етдим.*

*Лицейимизда ўқувчиларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишлари учун қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Ёшларнинг тафаккурини ўстириш, онгини ривожлантириш, билимларини бойитишга хизмат қилувчи "Кичик академия" ҳам ана шу мақсадда тузилган бўлиб, у ўқувчиларни қизиқтираётган мавзуларга илмий жиҳатдан ёндашувларига кўмак бераётир. Шахсан ўзим "Аҳмад Яссавий ва тасаввуф илми" мавзусида илмий иш ёзиб, ижодимни "Кичик академия" муҳокамасига қўйдим. Мақсадим — тасаввуф фалсафасининг ва адабиётининг буюк намояндаси Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари нақадар тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини шарҳлаб, номаълум томонларини очиб беришдир. Бизгача буюк алломанинг "Девони ҳикмат" асари етиб келган, аммо унинг шахсияти ва бошқа асарлари ҳақида кам маълумотга эгамиз. Бироқ, оммага маълум бўлмаган манбалар мавжуд. Менинг энг буюк орзуим Шарқшунослик институтига ўқишга кириб, академик лицейда олган билимларимни юксалтириш билан бирга буюк аждодимиз меросидан сўз юритувчи араб тилидаги манбани ўзбек тилига таржима қилиб, илмий ишим мавзуини олий ўқув юртида ҳам давом эттиришдир.*

**Зоҳир МИРЗАЕВ, Ўзбекистон миллий университети қошидаги С.Сироҗиддинов номидаги академик лицей битирувчиси:**



— Лицей бағрида ўтган уч йил менинг ҳаётимда чуқур из қолдирди. Бу йиллар мобайнида жуда кўп ютуқларга эришдим ва дўстлар орттирдим. Ютуқларимдан энг каттаси дўстларим Шуҳрат Қирғизбоев ва Акмал Файзиевлар билан бирга "Интернет клуб" лойиҳасини ишлаб чиқиб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан эълон қилинган танловда муваффақиятли қатнашиб, ғолиб сифатида 200000 сўм миқдоридаги грантга сазовор бўлганимиз деб ўйлайман. Бунинг натижасида лицейимиз халқаро Интернет тизимига уланди. Шундай қилиб, ёшлар ташаббуси билан лицейимизда "Интернет клуб" ташкил этилди. Ҳозирги пайтда "Интернет клуб"имизга камида иккита чет тилини биладиган ва компьютерни яхши тушунган ёшлар аъзо бўлмоқдалар. Ушбу тизимнинг афзаллик томони шундаки, биз хориждаги олий ўқув юртлари, катта-катта кутубхоналар заҳираларидан фойдаланиб, чет элдаги турдош таълим даргоҳлари ёшлари билан мулоқотда бўлишга эришдик. Шунингдек, клубимизда лицейимизнинг "Ёш академик" газетаси ҳам ойига бир марта чоп этилмоқда.

Икки йил борасида лицей ёшларининг ўз-ўзини бошқариш органи президенти сифатида фаолиятим нафақат таълим-тарбия соҳасида ютуқларга эришишимга, балки жамиятда ўз ўрнимни топишга, ўзлигимни англашим ҳамда тафаккур доирамни янада кенгайтиришга имконият берди, деб ўйлайман. Мен бу ерда олган билим ва кўникмаларимни янаям ривожлантириш мақсадида ҳужжатларимни ЎзМУга топширмоқчиман. Ҳозирги фан-техника асрида мазкур университетнинг компьютер технологиялари факультетида билим олиб, келгусида Ўзбекистонда жаҳоннинг ҳеч бир ривожланган давлатидан қолишмайдиган компьютер қурилмаларини ишлаб чиқарувчи йирик корпорацияни яратиш орзуларимнинг энг каттасидир.

**Саодат ЖАББОРОВА, Ўзбекистон миллий университети қошидаги С.Сироҗиддинов номидаги академик лицей битирувчиси:**



*Лицейда ўқиган давримда журналистика соҳасига, хусусан, иқтисодий журналистикага қизиқишим янаям ортди. Бунга сабаб, илм даргоҳимиздаги адабий муҳит ва яратилган шарт-шароитлардир. Лицейнинг "Ёш академик", шунингдек, республика "Халқ сўзи", "Туркистон" газеталарида чоп этилган мақолаларим ижодий ишларим маҳсулидир. Ана шу мақсадда таълим муассасамизда ташкил этилган "Ёш журналист" тўгарагидаги машғулотлар ҳеч эсимдан чиқмаса керак. Айни кунда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ҳужжатларимни топшираяпман. Бунга Президентимизнинг Ўзбекистонда халқаро журналистика соҳасининг ривожланмаётгани ҳақида куйиниб гапирганлари туртки бўлганди. Қолаверса, яқинда Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимларига, уларнинг касб байрамлари муносабати билан йўллаган табригида ҳам айнан журналистларнинг ихтисослашуви масаласига алоҳида тўхталгани менинг аҳдимни янада қатъийлаштирди.*

**Шерзод МАМАНОВ, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси:**

— Касб-ҳунар коллежида таҳсил олишим давомида шу нарсага амин бўлдимки, ёш, мустақил давлатимизнинг техник салоҳиятини мумкин қадар тез суръатларда ривожлантиришга эришмоғимиз даркор. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида янгидан-янги дастгоҳлар ихтиро қилиб, ишга туширишимиз керак. Мени ташвишлантираётган нарса, биз қачонгача қўшимча дастгоҳларни чет элдан, қиммат баҳога олиб келамиз? Уларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, мамлакат иқтисодиётига ҳам анча яхши ҳисса қўшган бўлардик. Шу сабабдан ҳам мен келажакда коллежда олган "металларга ишлов берувчи дастгоҳ устаси" мутахассиси сифатида ўзимиздаги қишлоқ хўжалик техникаларини такомиллаштириб, шу соҳага янгиликлар киритмоқчиман.

Дастлаб мазкур коллежни танлаганимда, кўпчилик "нима қиласан, бир йил йўқотасан" дейишган. Бултур синфдошларимдан аксарияти олий ўқув юртларига ҳужжат топширишди. Кимдир талаба бўлди, кимдир йўқ. Мен эса институтга кирган синфдошларимдан бир йил кейинга қолсам ҳам, қўлимда аниқ бир касб билан шуғулланишимни кафолатловчи дипломга эга бўлмоқдаман. Коллежда мен асосий мутахассислигимдан ташқари қўшимча токарлик, пармалаш ҳамда сонли дастурлар билан бошқариладиган дастгоҳлар устаси касбларига эга бўлдим. "Кейс" пахта териш машинасининг қўшимча деталлари" мавзусидаги битирув ишимни маълум маънода якунладим. "Кейс" бурчак деталининг ўзи жуда мураккаб бўлиб, у тўртта машинада тайёрланади. Бу дастгоҳ мамлакатимизга Швейцариядан келтирилиши боис, бизнинг ўқиб-ўрганишимиз учун қизиқдир. Ана шу назарий билимларимни "Тошкентқишлоқмаш" заводида синаб кўрмоқдаман. Амалиёт ўтаётган "Тошкентқишлоқмаш" заводи сонли дастурлар бўйича 30-цехда иш жойим тайёр. Энг катта орзуим — бу мамлакатимизда қишлоқ хўжалик соҳаси бўлмиш пахта саноатини ривожлантириб, юртимизда ўзимизнинг "Кейс"ларимиз, "Магнум"ларимизнинг ишлаб чиқарилишига эришишдир.

**Нурлан УСМОНОВ,**
**Ботиржон ҒОФУРОВ,**
**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**Райҳон ХОЛМУРОДОВА,**
**Акмал ИСЛОМОВ,**
**Эркин МИРЗАЯШЕВ,**
**"Маърифат" мухбирлари**

So'z — konferensiya ishtirokchilariga

# ШАХСИЙ ИБРАТ АҲАМИЯТИ

***—Ўқитувчининг энг биринчи вазифаси бола онгини шакллантириш, унинг дунёқарашини кенгайтириш, ўрнак ва намуна бўлиб, юксакларга чорлаш. Мен йигирма беш йилдан буён муаллимлик қиламан. Аввалги ўқувчилар билан бугунги ўқувчи орасида катта фарқ бор. Бугун ўқувчи дунёнинг исталган бурчагидаги хабар ва ахборотлар билан радио, телевидение, Интернет тармоғи орқали танишмоқда, тенгдошларининг ўз меҳнати ва куч-ғайрати эвазига келган ютуқларини кўрмоқда. Ўқувчининг шахс бўлиб шаклланиши учун шахсий ибрат намунасини кўрсатиш муҳим. Мана, мисол учун, бизнинг тумандан жаҳон чемпиони бўлган Камол Муродов етишиб чиққан. Туманимиздаги кўпчилик болалар у эришаётган ютуқларни кўриб, унинг эл-юрт олдидаги обрўсини кўриб, меҳнати эвазига топган роҳат-фароғатини кўриб унга эргашмоқдалар. Жисмонан соғлом, маънан етук бўлган болаларни тарбиялашимизда мана шундай кишиларнинг ҳаёт йўлини ўқувчиларга сўзлаб бериш, уларни бирор ишга рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Камол Муродовга эргашганлар орасида Россиянинг Тверь шаҳрида ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 10-синф ўқувчиси, Чандир қишлоғида яшовчи Худойберди Мустақов қатнашди ва бронза медалини қўлга киритди. Бу мустақиллик берган имконият ва неъматлигини ўша қишлоқда униб-ўсаётган болалар билишди, ҳаракат қилинса, қийинчиликлардан чўчимай меҳнат қилинса, оддий халқнинг фарзанди мана шундай нуфузли мусобақаларда қатнашиб, ғолиб бўлиш мумкинлигини ҳис этишди.***

***Мен конференцияда ёшлар тарбиясида китоб ва китобхонликнинг ўрни, болаларнинг китоб ўқишга бўлган рағбатини кучайтириш учун нималар қилиш кераклиги, уларнинг бўш вақтларини мароқли ташкил қилишни кучайтириш, болалар онгига миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини сингдиришда тарих ва адабиёт фанларининг ўрни ҳақида гапирдим.***

***Конференция катта таассуротлар олдим. Билмаган нарсаларимни турли вилоятлардан келган ҳамкасбларимдан билиб олдим, улар билан турли мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштирдик. Эшитган, кўрганларимнинг барчасини туманимиз мураббийлари билан ҳамжиҳатликда амалга оширамиз.***

***Жўра ҲАМРОЕВ,***
**Бухоро вилояти Олот тумани С.Айний номидаги 7-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси, анжуман вакили**

Tajriba

# "МАКТАБ НАЗОРАТЧИЛАР КЕНГАШИ" НИМА?

**Болага ёшлигидан ҳуқуқий билим берилса, у ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилмайди, жиноят кўчасига кирмайди, охир-оқибатда суднинг қора курсисига ўтирмайди. Аксарият жиноятлар ҳуқуқий билимсизликдан, қонунларни тўлиқ англаб етмасликдан, оилада, мактабда болага етарлича тарбия берилмаслигидан келиб чиқади.**

**Ўқувчиларга ҳуқуқий тарбия беришнинг янги дастурларини ишлаб чиқиш ҳар қачонгидан муҳимроқ бўлиб қолди. Бизнинг Яккатут қишлоғидаги Муқимий номидаги 19-мактабда бу масалага аллақачон киришилди ва болаларга ҳуқуқий тарбия беришнинг янги дастурлари ишлаб чиқилди. Мана бир неча йилдирки, мактабимизда ташкил қилинган назоратчилар кенгаши янги дастур ҳамда низом асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу илғор тажриба 1996 йилда вилоят миқёсида оммалаштирилган.**

**Мактаб назоратчилар кенгаши мактаб ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Бугунги кунда ўқув даргоҳида 90 нафардан зиёд назоратчилар фаолият кўрсатмоқда. Мактаб назоратчилар кенгаши ишини йўлга қўйишда туман прокуратураси, туман ички ишлар бўлими ходимларининг хизматлари каттадир.**

**Мактабда ҳар ҳафтанинг шанба кунлари назоратчилар ва уларнинг ўринбосарлари тўпланадилар. Синф ўқувчиларининг ҳафталик давомати, ўзлаштириши, тартиб-интизоми, синфларда ўқувчилар қоидасининг бажарилиши ҳақида ёзма ҳисобот берадилар. Ҳисоботлар улар томонидан дафтарга қайд этиб бориладилар. Йиғилишларда синфлардаги аҳвол чуқур таҳлил қилинади. Айрим тартиббузарликлар содир этган ўқувчиларнинг хулқи муҳокама қилинади. Мактаб назоратчилар кенгаши мактабда жамоат тартибини сақлашда, ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мактаб жамоасига ва ИИБ ходимларига яқиндан ёрдам берадилар. Болада масъулият ва ўз-ўзини бошқариш ҳиссини таркиб топтиради. Болани ножўя хатти-ҳаракатлардан сақлайди, ҳаётда тўғри мушоҳада қилишга, соғлом фикрлашга ўргатади. Уларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиради.**

**Мактабда назоратчилар кенгаши иши яхши ташкил қилинса, мактаб ҳаёти тинч ва осуда кечади. Ўқувчилар ўртасида содир бўладиган кўнгилсиз, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Болаларга ёшлигидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўргатилса, юртимиз тинчлиги, осойишталиги тўла таъминланади. Ёшларни турли диний экстремистик оқимларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилган бўламиз.**

**Мактаб назоратчилар кенгашининг ўқув машғулотларини малакали ҳуқуқ-тартибот ходимлари олиб борадилар. Улар ахлоқий, ҳуқуқий мавзуларда қизиқарли суҳбатлар ташкил қиладилар. Соғлом авлодни камол топтириш бугунги куннинг бош мавзусидир. Бу масъулиятли ишга кенг жамоатчиликни, педагогларни, ота-оналарни, маҳалла фаолларини жалб қилиш лозимдир.**

**Маърифат ҒАНИЕВА,**
**Фарғона вилояти**

# ОРОМГОҲДА "КАМОЛОТ КУНЛАРИ"

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан "Камолот кунлари" дастури доирасида "Соғлом авлод" миллий спорт ўйинлари мусобақаси яқинда Тошкент тумани мактабларида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари дам олувчи ўсмир-ёшлари ўртасида бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент тумани кенгаши ташаббуси ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўтказилган мазкур мусобақада спортнинг миллий турлари: арқон тортиш, миллий кураш, қоп ичида сакраш, халқа айлантириш, тўп билан тўсиқлар орасидан ўтиш, арқонда сакраш, коптокча билан нишонга уриш ҳамда шохмот-шашка бўйича ўсмир ёшлар ўзаро куч синашди. Мусобақанинг энг фаол иштирокчилари ва ғолиблик шарафига тумандаги 7-мактаб ўқувчиси Шуҳрат Иброҳимов, 8-мактаб ўқувчиси Диёрбек Мелиев сазовор бўлдилар.

Мусобақа якунига кўра гуруҳлараро бўлиб ўтган спорт турлари бўйича беллашувларда мутлоқ ғолибликни 8-мактаб ўқувчи-ёшлари гуруҳи қўлга киритди.

Вояга етиб келаётган ўсмир ва ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, ҳар жиҳатдан камолотга етказиш, интеллектуал ва жисмоний салоҳиятларни ошириш ҳамда бўлажак спортчиларни тарбиялашдек олий мақсадни олдига қўйган "Камолот кунлари" дастури доирасидаги тадбирлар маҳалла, мактабларда давом этади.

**Соҳибжон НАБИЕВ**

**Бекобод тумани, Беруний номидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси ва лаборанти Ҳ.Ҳасановдан**

**Савол: Лаборантлик педагогик стажга кирадими, агар лаборант олий маълумотли бўлса, иш ҳақида ўзгариш бўладими?**

**Жавоб**: Лаборантлик техник ходим бўлиб, у педагогик стажга кирмайди. Шу лавозимда(лаборант) ишлаётган шахс олий маълумотли бўлса, олий маълумотли лаборантларга тўланадиган иш ҳақини олади.

# Ma'rifat маслаҳатхонаси

* * *

**Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳар, М.Жалил кўча, 2-уйда яшовчи Д.Ҳасановадан**

**Савол: Онанинг ишга чиққанлиги сабабли 2 ёшга тўлмаган боласи учун тўланадиган пул берилмаслиги тўғрими?**

**Жавоб:** Меҳнат кодексининг 234-моддасига биноан ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Болани парваришлаш учун бериладиган таътиллардан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин. Аёлга унинг хоҳишига кўра боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Аёл ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари (ушбу модданинг биринчи қисми) сақланиб қолади. Агар тўлиқ бўлган иш режимида ишласалар, уларга нафақа тўланмайди.

**Й.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси бош мутахассиси**

OTB loyihasining mahalliy afzalliklari

# АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР КУТАМИЗ

## Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари диққатига!

***Азиз ўқитувчилар!***

***"Осиё Тараққиёт Банки лойиҳасининг маҳаллий афзалликлари" рукни остида берилаётган туркум мақолалар ("Маърифат", 48-49 сонлар)да таъкидланганидек, Самарқанддаги "Эл" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 78 та хорижий фирмалар билан бир қаторда кимё, физика, биология ва астрономия хоналари учун ўқув-лаборатория жиҳозларини келтириш бўйича Халқаро рақобатли савдоларда иштирок этмоқда.***

***Мазкур асбоб-ускуналар ОТБ кредити ҳисобига Ўзбекистон Республикасидаги 45 та намунавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун келтирилади.***

***ОТБ кредити доирасида келтирилаётган ана шу ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва кўргазмали қўлланмалар таркибини "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига тўлиқ мослаштиришга эришиш мақсадида биз умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий тажрибаси ва малакаларига мурожаатимизни давом эттирамиз.***

***Мазкур чиқишдан асосий мақсадимиз истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини яқиндан ўрнатишдир. Бизга ўқитувчиларнинг "Эл" ОТҲЖда айни пайтда тайёрланаётган ҳамда яқин уч йил давомида ишлаб чиқарилиши кўзланаётган маҳсулотлар бўйича фикр-мулоҳазалари жуда ҳам муҳим.***

***Қуйида муҳокамангиз учун биология ўқув хонасини жиҳозлаш учун ўқув маҳсулотлари ҳамда бошқа умумтаълим фанлари бўйича кўргазмали қўлланмаларнинг рўйхати берилмоқда.***

***Биз муштарийларимиздан маҳсулотлар ассортименти ҳақида, уларнинг давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларига мос келиш-келмаслигига боғлиқ бўлган тақриз, таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, ўқув-лабораториялари ва хоналарини бойитиш бўйича амалий таклифлар кутиб қоламиз.***

## БИОЛОГИЯ ЎҚУВ ХОНАСИ

**"ЭЛ" ОТҲЖнинг оммавий равишда ўзлаштириши режалаштирилаётган маҳсулотлар номлари**

**2001 йил**

1.Гербарийлар мажмуаси (10та тўплам):
*Илдиз ва поя*
*Барг*
*Шўрадошлар ва карамдошлар*
*Қовоқдошлар ва итузумдошлар*
*Гулхайридошлар ва раънодошлар*
*Бурчоқдошлар ва токдошлар*
*Зирадошлар, ялпиздошлар ва қоқидошлар*
*Буғдойдошлар, лоладошлар ва пиёздошлар*
*Тоғ минтақаси ўсимликлари*
*Доривор ўсимликлар*

х х х

2. "Буталар ва дарахтларнинг уруғлари" коллекцияси
3. "Турли оила ўсимликларининг уруғлари" коллекцияси
4. "Қишлоқ хўжалик экинларининг уруғлари" коллекцияси
5. "Қуш патларининг турлари" коллекцияси
6. "Аскаридалар (урғочиси ва эркаги)" ҳўл препаратлари
7. "Бақачаноқнинг тузилиши" ҳўл препаратлари
8. "Ёмғир чувалчанги" ҳўл препаратлари
9. "Балиқнинг ички тузилиши" ҳўл препаратлари
10. "Дарё қисқичбақаси" ҳўл препаратлари
11. "Бақанинг ички тузилиши" ҳўл препаратлари
12. Биология бўйича лаборатория ишларини ўтказиш учун кимёвий реактивлар тўпламлари мажмуаси
13.Биология ўқув хонаси учун кимёвий реактивлар тўплами:
*Йод металлик*
*Кальций гидроксид*
*Натрий хлорид*
*Этил спирти*
*Крахмал*
*Сахароза*
*Метил қизили*
*Натрий гидроксид*
*Водород пероксид (30%-ли)*
*Хлорид кислота*
*Сирка кислота*
*Нитрат кислота*

х х х

14. Лаборатория идишлари
*П-9 пробиркалари*
*П-21 пробиркалари*
*Белгили пипетка*
*Чинни тигель*
*Петри косачаси*
*Буюм ойнаси*
*Эксикатор*
*Чинни ҳовонча*
*Чинни планшет*
*Туби ясси колба (100 мл)*
*Пробиркалар штативи № 1*
*Пробирка тозалаш чўткаси*
*Лаборатория воронкаси*
*Фильтр қоғози*
*3-16, 3-32 диаметрли резина тиқин*
*Қисқич*
*Қайчилар*
*Пластик таглик*

х х х

15. Лаборатория ишларига оид материаллар (12 турда)
16. Илдизларнинг сув ютишини намойиш этиш асбоби
17. Нафас олишда олинаётган ва чиқарилаётган ҳаво таркибидаги $CO_2$ миқдорини намойиш этиш асбоби
18. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг нафас олишида газ алмашинувини кузатиш асбоби
19. Лаборатория электрон рақамли термометри
20. Лаборатория электрон тарозиси
21. Ўқув микроскопи
22. Кодоскоп экрани билан

**2002 йил**

23. "Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари" коллекцияси
24. "Ҳашаротлар туркумларининг вакиллари" коллекцияси
25. "Асалари" коллекцияси
26. "Ҳашаротларнинг ривожланиши" коллекцияси
27. "Тут ипак қуртининг ривожланиши" коллекцияси
28. "Моллюскаларнинг чиғаноқлари" коллекцияси
29. "Бўлакларга ажратилган дарё қисқичбақаси" коллекцияси
30. "Суяк қирқимлари" коллекцияси
31. Биология бўйича ўргатувчи дастур (шахсий компьютерлар учун C.D. да)
32. Лаборатория идишлари (25 турда)
33. Лаборатория ишлари учун буюмлар ва материаллар (10 турда)
34. Лаборатория ва амалий ишлар учун уруғлар тўплами
35. Минерал ўғитлар коллекцияси
36. Бақа скелети бўйича тарқатма материал
37. Сут эмизувчи скелети бўйича тарқатма материал
38. Қуш скелети бўйича тарқатма материал
39. Балиқ скелети бўйича тарқатма материал
40. Каптарнинг скелети
41. Суякли балиқнинг скелети
42. Бақанинг скелети
43. От кўл-оёқларининг скелети
44. Қўй қўл-оёқларининг скелети
45. Қуённинг скелети
46. Товуқнинг скелети
47. Гўнгқарғанинг тулуми
48. Каптарнинг тулуми
49. Қуённинг тулуми
50. "Бурчоқдошларнинг тугунакли илдизлари" ҳўл препаратлари
51. "Каламушнинг ички тузилиши" ҳўл препаратлари
52. "Бақанинг ички тузилиши" ҳўл препаратлари
53. "Қушнинг ички тузилиши" ҳўл препаратлари
54. "Йирик сут эмизувчининг кўзи" ҳўл препаратлари
55. Хона термометри
56. Ташқи термометр
57. Аквариум
58. Тирик табиат бурчаги учун ускуналар мажмуаси
59. Террариум
60. Идишларни қуритиш учун тахта

**2003 йил**

61. Одам танаси ички тузилишининг модели (ғилдиракли тагликда)
62. Одам скелетининг модели (ғилдиракли тагликда)
63. Нерв системасининг модели
64. Кўз структурасининг модели
65. Қулоқ структурасининг модели
66. Одам бош суягининг модели (қисмларга ажраладиган)
67. Юрак модели (қисмларга ажраладиган)
68. Нафас олиш системасининг модели
69. Қон айланиш системасининг модели
70. Сийдик чиқариш системасининг модели
71. Овқат ҳазм қилиш системасининг модели
72. Мия структурасининг модели
73. Бурун структурасининг модели
74. Эркак репродуктив органларининг модели
75. Аёл репродуктив органларининг модели
76. ДНК модели
77. Дастаки динамометр
78. Ўқув спирометри
79. Сфигмоманометр
80. Эргометр
81. pH-метр
82. Барометр
83. Тонометр
84. Фонендоскоп
85. Фотоэлектрокалориметр
86. Кондуктометр
87. Люксметр
88. Тупроқ таркибидаги намликни намойиш этиш асбоби

## КЎРГАЗМАЛИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

**2001 йил**

1. Кимё бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (95 варақ)
2. Физика бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (115 варақ)
3. Биология бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (223 варақ)
4. Математика бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (106 варақ)
5. Чизмачилик бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (52 варақ)
6. Инглиз тили бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (58 варақ)
7. Астрономия бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (58 варақ)
8. Она тили бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (52 варақ)
9. Информатика бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (80 варақ)
10. Бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (120 варақ)
11. Материалшунослик бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (60 варақ)
12. "DAEWOO автомобиллари" бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (30 варақ)
13. "Ички ёниш двигатели" бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (26 варақ)
14. Метрология ва электр ўлчаш асослари бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (136 варақ)
15. Рус тили бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (119 варақ)
16. География бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (76 варақ)
17. Лойиҳалаш асослари ва машина деталлари бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (200 варақ)
18. Қуйиш иши бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (120 варақ)
19. Қурилиш бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (240 варақ)
20. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (111 варақ)
21. Миллий истиқлол ғояси бўйича проекцион кўргазмали методик қўлланмалар (50 варақ)

**2002 йил**

22. Кимё бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (32 варақ)
23. Физика бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (42 варақ)
24. Умумий биология бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (30 варақ)
25. Ботаника бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (20 варақ)
26. Зоология бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (30 варақ)
27. Одам анатомияси бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (20 варақ)
28. Бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (56 варақ)
29. Астрономия бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (15 варақ)
30. Геометрия бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (23 варақ)
31. Математика бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (40 варақ)
32. География бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (18 варақ)
33. Она тили бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (23 варақ)
34. Чет тиллар бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (36 варақ)
35. Миллий истиқлол ғояси бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (38 варақ)
36. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (78 варақ)
37. Чизмачилик бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (18 варақ)
38. Информатика бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (34 варақ)
39. Рус тили бўйича рангли ламинатланган (500х650мм) жадваллар (24 варақ)

***Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй***
***Факс/тел (3662) 31 03 74, тел 33 29 52***
***E-mail: elfirm@online.ru***

## ҲАМ ТАЪЛИМ, ҲАМ ТАРБИЯ

Бугунги кунда таълим жараёнида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айниқса, эртанги кунимизнинг пойдеворлари бўлмиш ёшларнинг ҳар соҳада баркамол бўлиб етишишлари учун уларга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Чилонзор туманидаги 66-махсус меҳнат таълими мактабида айрим, бошқа мактаблардан фарқли ўлароқ — темирчилик, чилангарлик, ҳунармандчилик, косибчилик, тикувчилик, тўқувчилик касблари болаларга ўргатилади. Қишлоқ хўжалиги меҳнати — гулчилик ҳам бу мактабда анча ривожланган. Иссиқхоналарда помидор, бодринг, тарвуз каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Бу маҳсулотлар ўқувчилар томонидан парваришланади ва ўқитувчиларнинг назорати остида бўлади.

Таъкидлаш жоизки, 1999-2000 ўқув йилида мазкур мактаб раҳбари Маълума Хўжаеванинг ташаббуси билан мактаб қошида иссиқхона ташкил этилди. Шунингдек, мактабга косибчилик, сартарошлик, қишлоқ хўжалиги меҳнати ўқув фанининг мазмун-моҳиятини, сифатини яхшилаш мақсадида тажрибали ўқитувчилар жалб этилган. Ҳозирда бу ўқитувчилар ўқувчиларга ўз билим ва тажрибаларини ўргатиш билан бир қаторда уларни яратувчанликка, ташаббускорликка, ижодий меҳнатга, фидойи бўлишга ўргатиб келмоқдалар.

**С.ИСОМИДДИНОВ,**
**Чилонзор туманидаги 66-ўрта махсус меҳнат мактаби "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича раҳбар ўринбосари**



***"Ҳунарли инсон хор бўлмас" деган пурмаъно ҳикмат бор халқимизда. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, ҳунар — тугамас бойлик. Шу боис бўлса керак, ота-боболаримиз азал-азалдан ўз фарзандларининг бирор бир ҳунарнинг эгаси бўлишларига катта эътибор беришган.***

***Ҳа, бугун анъана давом этмоқда. Касби туманидаги 8-касб-ҳунар мактабида таҳсил олаётган бугунги ҳар бир ўқувчи айтиш мумкинки, ўқишлари давомида чуқур билим олишлари баробарида 32 нафар ишлаб чиқариш усталаридан 10 хил йўналишдаги мутахассислик бўйича касб ҳам эгаллашмоқда.***

***Суратда: ишлаб чиқариш таълим устаси Нилуфар Эргашева ўқувчиларга тикиш-бичиш сирларини ўргатмоқда***

**Зикрилла РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.**

## ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИДА ЭКОЛОГИК ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

### "ЯШИЛ ТАБИАТНИ АСРАЙМИЗ" МАВЗУСИДАГИ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ

*Ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳлари — ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларида яхши дам олиши, саломатликларини тиклаши, вақтларини мазмунли ўтказиши учун махсус макон ҳисобланиб, оромгоҳ ҳудуди ва ён-атрофи болалар учун ўйин, дам олиш жойига айланади. Бунда улар табиат билан юзма-юз мулоқотда бўладилар. Табиатда юз берадиган турли туман ҳодисаларни кузатиб, ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар билан танишадилар. Болаларнинг бир кичик хато ҳаракати табиатга катта зарар келтириши мумкин. Шунинг учун табиат қўйнига чиққанда атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишга, уни муҳофаза қилишга болаларни ўргатиб бориш керак, бунинг учун қуйидаги маслаҳатларни бериш мумкин.*

*Палаткани тикиш (ўрнатиш)да унинг атроф-муҳитга, ўсимликлар, дарахтлар ва бошқа нарсаларга салбий таъсир этмаслигини ҳисобга олиш; саёҳат вақтида керак бўладиган оддий буюмларни ясаш, ўзлари ясаган буюмларнинг чиройли бўлишига алоҳида аҳамият бериш; табиий материаллардан (тошлар, дарахтлар), новдалар, ёғоч, илдизлар, ўт-ўлан, хас-хашаклардан буюмлар ясашни ташкил этиш, унда ҳамма болаларнинг фаол иштирокини таъминлаш; оромгоҳ теварак-атрофининг санитария ҳолатини яхши тутиш учун оромгоҳдан чиқадиган турли хил чиқинди, оқаваларнинг сув ҳавзаларига тушишига йўл қўймаслик, уларни махсус жойларга олиб ташлаш; саёҳатга борганда табиатга зарар етказмасликка ҳаракат қилиш. Кишилар пайхон қилган жойларнинг расмини чизиш ва суратга олиш; шу ҳақдаги таклифларни саёҳат бюросига бериб, бундай жойларни аввалги ҳолатга келтиришга ҳаракат қилиш. Оромгоҳларда ва саёҳатга чиққанда ёнғин чиқишига йўл қўймаслик, фақат белгиланган чегарадагина гулхан ёқиш ва юриш мумкинлигини доимо эслатиб, уқтириб бориш. Саёҳат давомида белгиланган йўналишда сўқмоқлардан бир саф бўлиб юриш, йўлда учрайдиган табиатга ёт, зарарли нарсаларни (буюмларни) йиғиштириб кетиш; атмосферада содир бўладиган ходисаларни кузатиш, унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, кузатув дафтарига қайд этиш. Дарсда ўрганган ҳодисаларни бевосита таққослаб хулоса чиқариш, шу асосда ҳикоя ёзишни ўрганиш. Оромгоҳ атрофида юз бериши мумкин бўлган нохуш табиий ходисаларни кузатиш, улардан ўзини ва ҳайвонларни қутқаришни ўрганиш.*

*Юқоридаги топшириқлар асосида гуруҳлараро мусобақалар, кўрик-танловлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.*

### "ЯШИЛ ПОСБОНЛАР" ГУРУҲЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Ёзги дам олиш оромгоҳларида яшил бойлигимиз бўлмиш ўсимликларни асраш, кўпайтириш ишларини амалга ошириш мақсадида "Яшил посбонлар" гуруҳини тузиш ва амалий фаолият олиб бориш, яъни оромгоҳ ичидаги, атрофидаги ўсимликларни қўриқлаш, пайхон бўлганларини қайта тиклашга ҳаракат қилиш каби ишларни бажариш мумкин. Гуруҳга битта сардор, ёрдамчиси, 10-15 нафаргача бола аъзо бўлиши, гуруҳнинг ўз нишони, шиори, ўз қўшиғи, қонун-қоидалари, ўтказиладиган тадбирларининг календар режаси бўлиб(бажарилаётган ишлар), кичик ҳисоботлар, кўргазмалар орқали кўрсатиб турилиши керак. Оромгоҳда бундай гуруҳларни ҳар бир гуруҳда тузиб, улар ўртасида ўзаро кўриклар, мусобақалар ташкил этиш мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг ўзига тегишли ҳудуди бўлиши, шу ҳудуд учун улар жавобгарлик ҳиссини доимо ҳис этиб туришлари зарур.*

**Х.ЖАЛОЛОВ,**
**Н.АСКАРОВА,**
**А.ЖАББОРОВ,**
**"БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуаси ходимлари**

**(Давоми бор)**



## МУНОСИБ ТУҲФА

Энг содиқ дўст, энг зарур ҳамроҳ китобдир. Ўқувчи ўз билимини, дунёқарашини китоблар орқали бойитади. Бунда унга энг аввал дарслик ёрдамга келади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалиётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 мартдаги 203-қарори билан умумтаълим мактабларида барча фанлардан дастур ва дарсликларни янгилаш бўйича комиссия ва муаллифлар гуруҳлари иш олиб бораётганлигидан хабарингиз бўлса керак.

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тилидан ҳамда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дарсликлар яратиш гуруҳлари илмий раҳбари қилиб "Тил ва адабиёт таълими" ҳамда "Преподавание языка и литературы" журналлари бош муҳаррири, педагогика фанлари доктори, профессор Раъно Толипова тасдиқланган эди. 1998 йилнинг май ойидан бошлаб ҳар бир фан бўйича олимлар, ижодкор ўқитувчилар ва методистлардан иборат ҳар бири 12-15 кишидан иборат икки гуруҳ тузилиб, дастур ва дарсликлар яратиш иши бошланди. 1998-1999 ўқув йилининг бошигача бу гуруҳлар томонидан ҳозирги талабга жавоб берадиган, тамомила янгича тамойилдаги стандарт дастур тайёрланиб синов майдонлари қилиб тайинланган мактабларга юборилди. Шунинг билаң бирга улар асосида тайёрланган ўқув материаллари синов майдонлари бўлган Жиззах вилояти Зомин туманидаги 1-мактаб ҳамда Тошкент шаҳридаги 120-мактабга 1998-99 ўқув йилида кетма-кет етказиб бериб турилди.

Гуруҳларнинг тинмай қилган меҳнати натижаси ўлароқ тўлақонли синовлар ўтказиб, синов натижасида тузатилган, тўлдирилган ва қиёмига етказилган стандарт ва дастурлар 1999 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланди ва амалиётга татбиқ этиш тавсия этилди.

Шу пайтгача биринчи муаллифлар гуруҳлари томонидан тайёрланган ва синовдан ўтган ўқув материаллари ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари асосида тўлдирилган ва қайта ишланган 2—7-синф дарсликлари сифатида тайёр бўлди ва 2000 йил январь ойидан бошлаб янги тамойилдаги "Рус тили" дарсликлари чоп этила бошланди.

Ҳозирги кунга қадар "Ўқитувчи" нашриёти томонидан 2, 3, 4, 5, 6, 7-синфлар учун янгича технология асосида тайёрланган "Рус тили" дарсликлари чоп этилди. 2001 йилда "Ўзбекистон" нашриёти шу муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган 10-синф "Рус тили" дарслигини чоп этди. Ҳозирги кунда яна 8 ва 11-синф дарсликлари босмадан чиқарилмоқда.

Шу кунда бу дарсликлар Осиё Ривожланиш банки маблағлари ҳисобига қайта нашр қилиниб, имтиёзли шартлар асосида мактабларга етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга, иккинчи муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2 ва 5-синфи учун "Ўзбек тили" дарсликлари ўқув қўлланмаси сифатида "Ўзбек тили маркази" томонидан "Тил ва адабиёт таълими" журналига илова қилиб кам нусхада чоп этилди.

Айни кунда 2-, 3-, 4-, 5-, 6-синфлар дарсликлари рангли тарзда жаҳон стандартига мос равишдаги дизайнда "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилаяпти.

Бу дарсликлар муаллифларнинг мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрамига туҳфасидир.

**МУХБИРИМИЗ**

## МАШАҚҚАТЛАР МЕВАСИ

Бизнинг ҳозирги мустақил, ҳур ва фаровон, тинч ва тотув ҳаётимизнинг тамал тошини қўйишда ўзларининг ҳалол меҳнатлари, бутун куч-қуввати, истеъдоди, билим-тажрибасини келажак авлоднинг равнақи учун сарф қилаётган ажойиб ўқитувчиларимиз кўплаб топилади. Шундай фидойи инсонлардан бири, бутун умрини ўқитувчиликка бағишлаётган олий тоифали ўқитувчи Маърифат Улуғовадир.

Маърифат опага бу йўллардан ўтиб келиши осон бўлмади. Дастлабки ўз билимига таяниб шаҳарга йўл олди ва 1979 йил Самарқанд Давлат университетининг филология факультети талабаси бўлди. Ўқишни тугатиши билан ўзи туғилиб ўсган жойдаги ўқув масканларида болаларга сабоқ беришни бошлади. Унинг шижоатли ҳаракатлари билан қанча-қанча ўқувчилар олийгоҳ талабалари бўлиш шарафига муяссар бўлди. Айни пайтда Маърифат опа Навоий кончилик институти ҳузуридаги 19-лицей-интернатида болаларга билим бериш билан бирга ўз меҳрини ҳам бериб келмоқда. Жамоанинг ишончига муваффақ бўлган Маърифат опа лицейда Тиллар ва услубий бирлашмалар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юргизмоқда. Унинг экккан ниҳоллари самарасини биргина 1999-2000 ўқув йилида олийгоҳларга қабул қилинган шогирд ўқувчиларининг сони 20 нафардан ортганлигида ҳам кўриш мумкин.

Бу каби маърифатли инсонлар кўпайиши юртимиз равнақига равнақ қўшиши муқаррардир.

**Ш.АҲМАТОВ**

## МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИ – МУВАФФАҚИЯТ КАФОЛАТИ

Бугунги кунда юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам юз кўрсатмоқда. Юртимизнинг бундай чекка ҳудудларида ислоҳотларнинг кенг кўламда намоён бўлиши ва одамлар онгига тўғри етиб боришида, шубҳасиз, мактабларнинг, муаллимларнинг ўрни катта. Мактаблар ҳар бир ҳудуднинг маънавият ва маърифат ўчоқлари саналади. Зомин туманидаги 24-ўрта мактаб ҳам ҳудуддаги ана шундай маърифат масканларидан биридир. Таълим муассасаси ўзининг илғор фикрли, фидойи педагоглари билан тилга тушган. Мактабда болаларга рус тили фанидан сабоқ бериб келаётган Қаршигул Йўлдошева шундай педагоглар сирасига киради.

Қаршигул опа, мана, қарийб йигирма йилга яқин вақтдан буён шу даргоҳда меҳнат қилади. Дарс жараёнида турли ноанъанавий усулларни қўллашга, сабоқнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга, бир сўз билан айтганда, болалар кўнглига йўл топишга ҳаракат қилиб келади. Унинг меҳрини сезган, сабоғини тинглаган ўқувчилар борки, у кишини меҳрибон ва билимдон устоз сифатида эътироф этишади. "Менинг бу касбга меҳр қўйишимга отам — Турғунбой Ўнгоровнинг таъсири бўлган, — дейди муаллима. — У киши анча йиллар туман халқ таълими бўлимига раҳбарлик қилган донгдор маорифчи эдилар. Отамнинг изидан бораётганлигимдан мамнуният сезаман, ўзимда".

Ўз касбини севган шундай малакали ўқитувчилари бор мактабнинг муваффақиятлари кафолатли эканлигига, шубҳа йўқ.

**И.ИСКАНДАРОВ**

*Узвий уч бўғиндан иборат бундай тизим тўғрисидаги ахборот Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида, АҚШнинг Виржиния Вич штатида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда маълум қилинди, Ўзбекистонда яратилган янгилик ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.*

*Аслида у ўқитувчи эмас, бу унинг учун бир ниқоб. Туман мусиқа мактаби раҳбарияти ўзида ишлаётган бу ўқитувчининг ниқобини, наҳотки, пайқамаган бўлса?*

# КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТИЗИМ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Кўзга кўринган бирор-бир ўқувчи назардан четда қолмайди ва юртимиз шуҳратини оламга таратадиган бўлажак спорт юлдузлари илк бор шу босқичда ўз маҳоратини кўрсатади. Бундай мусобақалар жараёнида ишнинг кўзини биладиган барча спорт федерация мураббийларига истеъдодли ёшларни кашф қилиш учун катта имкониятлар эшиги очилади.

Мазкур янги тизимнинг иккинчи бўғини — "Баркамол авлод" спорт ўйинлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида икки йилда бир маротаба (тоқ йилларда) тўрт босқичда ўтказилади.

Уларнинг биринчиси — ўқув юрти босқичи, иккинчиси — туман, шаҳар босқичи, учинчиси — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) босқичи, тўртинчиси — мамлакат миқёсидаги якуний финал босқичидир.

Тизимнинг учинчи бўғини — "Универсиада" спорт ўйинлари олий ўқув юртлари талабалари ўртасида икки йилда бир маротаба (жуфт йилларда) уч босқичда ўтказилади. Уларнинг биринчиси — олий ўқув юрти босқичи, иккинчиси — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) босқичи, учинчиси — мамлакат миқёсидаги умуммиллий, яъни финал босқичи.

Барча бўғинлардаги мусобақалар халқаро талаблар асосида ўтказилади, уларнинг ҳар бири ўз низомига эга. Уларда ҳакамлар, ўйингоҳлар, ташкилотчилар олдига қўйиладиган талаб мезонлари белгилаб қўйилган. Бу ўйинларнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти шундаки, мамлакатимиз ёшларининг барча қатламларини қамраб олиб, Ватанимиз фарзандларини янада бирлаштиришга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, дунё мамлакатларида ўқувчилар ва талаба ёшларнинг турли даражали спорт мусобақалари мавжуд, аммо ўсмирлар ва ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бизда амал қилинаётган тизимга ўхшаш мукаммал узлуксиз тизими жаҳон тажрибасида кузатилмаган. Эътиборлиси шундаки, бу тизим ҳозирнинг ўзидаёқ дунёнинг кўпгина давлатларида қизиқиш уйғотмоқда. Узвий уч бўғиндан иборат бундай тизим тўғрисидаги ахборот Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида, АҚШнинг Виржиния Вич штатида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда маълум қилинди, Ўзбекистонда яратилган янгилик ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бундай тизимга илк маротаба Ўзбекистонда асос солинди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу тизим жамиятимиз, айниқса ёш авлод ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиб, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Бундай самарали тизимни ўз келажагини, фарзандларининг бахти ва камолини ўйлаган жамиятгина ташкил қилади. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га биноан яратилган узлуксиз спорт тизими фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги ҳаракат ва интилишларининг ёрқин қирраларидан биридир.

Ушбу тизим ўзини-ўзи бошқаради, турли босқичдаги таълим муассасаларининг моддий ва спорт базасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Унинг энг ибратли томони шундаки, ёшлар ўз интилишлари самарасини мусобақалар босқичига ўтишда кўриб ҳис этади, бу эса улардаги ғурур ва аниқ мақсад сари интилиш туйғуларини кучайтиради, минглаб ёшларни дўстлаштиради, уларни эзгуликка, мардликка, олижанобликка чорлайди, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Бу тизим таркибидаги мусобақаларнинг барчаси Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, унинг келажаги ва тинчлигини таъминлаш учун ўта муҳимдир. Қолаверса, у халқаро олимпия ҳаракатида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган Ўзбекистон учун битмас-туганмас, қудратли спорт заҳирасини барпо этиш имконини яратади.

Ўтган йили Наманганда ўтказилган талабалар универсиадаси, бу йил Жиззахда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари мазкур тизимнинг ёш авлод тарбиясида қанчалик муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Дунёнинг ҳеч қайси давлатида ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим тизими талабалари ўртасида расмий оммавий мусобақа ўтказилмайди. Шунинг учун ҳам "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг олтин медали Халқаро олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранчга топширилганда, у мазкур мусобақаларни ҳақиқий кичик олимпиада, деб атагани бежиз эмас. Ўз навбатида, мусобақаларнинг кумуш медали Осиё олимпия кенгаши раиси Шайх Аҳмад ал-Сабоҳга тақдим этилганида ҳам катта маъно бор.

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мазкур тизимнинг дастлабки босқичи — мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари Фарғонада ўтказилади.

Бу тизим таркибидаги мусобақалар нима учун унинг қуйи бўғинидан — "Умид ниҳоллари" ўйинларидан эмас, балки унинг юқори бўғинидан "Универсиада" ўйинларидан бошланди, деган табиий савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, қуйи бўғин мусобақаларида иштирокчилар кўп, улар оммавий руҳда ўтади. Бу эса алоҳида тайёргарликни талаб этади.

Универсиада спорт ўйинларининг биринчи босқичида 120 минг талаба қатнашган бўлса, "Баркамол авлод" мусобақаларида жами 500 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди. "Умид ниҳоллари" ўйинларида 5,5 млн.дан зиёд ўқувчи қатнашиши кўзда тутилмоқда. Мана шу тариқа биз спортнинг оммавийлиги сари бормоқдамиз.

Бинобарин, қуйи бўғиннинг ҳар босқич ўйинларида миллионлаб болалар узлуксиз равишда қатнашиш учун спорт базаларини талаб даражасида тайёрлаш, мазкур мусобақаларни фақат олимпия мезонлари асосида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, амалий ишлар механизмини ишлаб чиқиш мақсадида дастлабки мусобақаларни тизимнинг учинчи ва иккинчи бўғинларидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлди. Қолаверса, бу икки бўғин энг асосий оммавий мусобақа — "Умид ниҳоллари" учун ўзига хос тажриба, андоза бўлиб хизмат қилади, уни юксак савияда ўтказишга замин яратади.

Шу ўринда, бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпчилик спорт журналистлари, халқ таълими ходимлари илк бор 2002 йилда Фарғонада ўтадиган "Умид ниҳоллари" ўйинлари билан жорий йилда ташкил этилган "Олимпиада умидлари" спорт мусобақаларини бир-бири билан адаштириб юбормоқдалар.

Ҳолбуки, "Олимпиада умидлари" мактаб ўқувчиларининг синфлараро мусобақаси бўлиб, унинг босқичлари барча ёшдаги ўқувчиларни қамраб ололмади. Бу мусобақадан мақсад, вазифалар ва талаблар эса мазкур спорт тизимининг талаблари доирасидан ташқари.

Ҳозир "Универсиада — 2002" ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Бухоро вилояти ҳокимлиги ушбу спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида қарор қабул қилди ва алоҳида тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Вилоятда мазкур ўйинларни ўтказиш билан боғлиқ катта ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, "Бухоро" марказий стадиони жаҳон андозаларига мос тарзда қайта қуриляпти. Янги олимпия спорт коллежининг қурилишига жадаллик билан киришилди. "Ҳумо", "Семурғ", "Қурувчи" спорт мажмуаларида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда, Бухоро Давлат университети қошида сузиш ҳавзасига эга бўлган кўп залли спорт мажмуаси, иккита теннис майдончаси қуриляпти. Мавжуд спорт базалари қайтадан таъмирланаяпти. Бундан ташқари, Бухоро Давлат тиббиёт институти, Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Қилинаётган ишларнинг барчаси айнан олимпиада ўйинларига тайёргарлик руҳида амалга оширилмоқда.

Ушбу тизим таркибидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиш ва спортни ёшлар ҳаётининг кундалик эҳтиёжига айлантириш учун ўқув даргоҳларида ҳозирданоқ қатор ташкилий ишларни амалга ошириш зарур. Биринчи навбатда, ҳар бир ўқув муассасасида спорт клубларини ташкил қилиш керак ва клуб кенгашига истеъдодли ва тажрибали ташкилотчиларни ҳамда спорт мутахассисларини сайлаш тўғри бўлади.

Клуб кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

— спорт секцияларини ташкил қилиш, уларга ўқувчиларни жалб этиш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

— ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш;

— спорт қоидаларини чоп этиб, тарқатиш;

— йил давомида узлуксиз ўтказиладиган спорт мусобақалари тақвимини ишлаб чиқиш ва ўқув муассасаларида жорий қилиш;

— тегишли спорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш;

— терма жамоалар бўйича Низом ишлаб чиқиш;

— терма жамоага молиявий, амалий ёрдам бериш масалаларини ҳал этиш.

Худди шундай спорт клубларини мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳам очиш талаб этилади.

Жисмоний ва маънавий мукаммалликка эришишнинг муҳим омили бўлган спорт бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги устувор йўналишга айланди. Оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирилган янги тизим фарзандларимиз ўртасида ёшликданоқ соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда Ўзбекистон нуфузини оширишга хизмат қилади. Зеро, спорт ўйинлари машъаласидан таралган ёрқин тафту ҳарорат ёшларимиз қалбига кўчиб, янада кучлироқ порлайди, деб умид қиламиз.

**М.АҲМАТОВ**

## Xullas...

### ФАРЗАНД КЎРГАН БУВИ

Аёллар неча ёшига қадар фарзанд кўришга қодирлиги ҳақида кўпчилик бош қотириб ўтирмайди. Аксарият ҳолларда уларнинг қирқ ёшга қадар фарзанд дунёга келтиришлари кузатилади. Аммо аёл кишининг соғлиги мустаҳкам ва турмуш тарзи бекаму кўст бўлса, у пенсия ёшида ҳам фарзанд кўриши мумкин экан.

Дунёдаги энг кекса она сифатида қайд қилинган италиялик Розанна Далла Корта ва япониялик Арчели Ке 63 ёшда эдилар. Улар қийин ҳолатдан сунъий равишда қутулдилар. Мисрлик Амина Муҳаммад уларни йўлда қолдириб, 72 ёшида ўзининг ўн биринчи фарзандини дунёга келтирди. Онахоннинг 20 невараси орасида ўз фарзанди ҳам соғ-саломат улғаймоқда.

Шифокорлар эса таажжубда: бундай ёшда аёл кишининг фарзандни табиий йўл билан дунёга келтиришига ақл бовар қилмайди.

Қайси аёл қачон фарзанд кўрмасин, эзгу тилак билдирилади: худо умри билан берган бўлсин!

### КИНО ВА ҲАЁТ

Телевизор орқали янги фантастик фильмдан лавҳа намойиш этилар экан, сухандон шундай деди: ўзга сайёраликлар кемаси Ерга тобора яқинлашмоқда.

Қўрқинчли хабарни кузатиб ўтирган жаноб Эн Гленнон зудлик билан ширин уйқуда ётган ўғилчаларини уйғотди. Газниқобни излашга тушган ота идишга сув тўлдиришни ҳам унутмади. Қотган нон, консерва, хуллас, қўлига нима илинса олди. Сўнгра шоша-пиша юкларни ертўлага олиб тушди. Энди қўшниларига телефон қилиб қўйиши керак, ахир улар ҳам тайёргарлик кўришсин!

Афсуски, қўшнилари унинг огоҳини жиддий қабул қилишмади: «Рекламадан ваҳимага тушадиган қанақа одамсиз ўзи».

Шунақаси ҳам бўларкан, аслида ҳам қўшнилари ҳақ эди. Агар бу ҳақда моҳир тасвирчи билса, унинг ҳозирги хатти-ҳаракатларини кино асарига қизиқарли кадр сифатида киритган буларди.

### КАМПИРНИ ЙИҚИТГАН АСАЛАРИ

Калининградлик 76 ёшли онахоннинг ҳалокатга учраши асалари билан боғлиқ бўлганига ишонмаслигингиз мумкин. Муттасил равишда экин экиб, ҳосил етиштирган кампир тасодифан сермева дарахт шохларида асалари уяси борлигини кўрса-да, ниятидан қайтмади. Меваларни қоқиб олиш керак! Дарахтни бир силкитган эди, мевалар "тап-тап" ерга тушди, асаларилар ҳам инидан қўзғалиб "душман"га ёпирилишди.

Боғбон хушидан кетиб, ерга йиқилди. Қичқириқни эшитиб, қўшниларнинг югур-югури, бу ёғи "тез ёрдам"... Афсуски, қуплаб асаларининг заҳрига қарши курашишга кампирнинг юраги дош беролмади.

Бундай ҳодиса Калининградда 15 йил мобайнида учрамаган эди, деб хабар берилади "Труд" газетасида.

**ana shunaqa gaplar...**

## Sport maydonchasi

### КУБОК ЎЙИНЛАРИ КЕЧИКТИРИЛДИ

**Жанубий Америка футбол Конфедерацияси ижроия қўмитасининг Буэнос-Айресда бўлган йиғилишида Америка кубоги ўйинларини Колумбияда ўтказишга қарор қилинди. Фақаттина, бу ерда юз бериши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатлари боис, кубок ўйинлари келаси ҳафтада эмас, балки келаси йил бошларида ташкил қилинади.**

### МУНТАЗАМ ЖАРОҲАТ АЗОБИ

**XX аср сўнгги йилларининг "энг зўр футболчиси" Роналдо кейинги пайтларда тиззасидан олган жиддий жароҳатини даволаш билан банд бўлган бир вақтда, у билан боғлиқ фикрлар кўпайиб кетди. Умуман у футболдан кетмоқчи эмас. Мақсади ўз жамоаси — "Фламенго" таркибига қайтиб, шахсий жамғармаси эвазига тузган бразилиялик футболчилар ассоциацияси ишини ривожлантиришдан иборат.**

### ПРЕМЬЕР-ЛИГАДА БИРИНЧИ

**Лондоннинг "Арсенал" жамоаси Япония термаси ҳимоячиси — "Гамба Осаки" клуби аъзоси Юничи Имамотони шартнома асосида ўз таркибига жалб этмоқчи. 21 ёшли келажаги порлоқ ўйинчи ушбу шартномадан сўнг Англия премьер-лигасидаги биринчи япониялик бўлади. Ҳозиргача ўз миллий жамоасида 20 та учрашувда қатнашган Имамото ўтган йили Осиё Кубогини олишда энг кўп тер тўккан футболчи, дея эътироф этилганди.**

### НОЎРИН ШУБҲА

**27 июнь куни Малайзия полицияси томонидан, наркотик моддалар истеъмол қилганликда гумон қилинган 5 футболчи — Саравак штати жамоаси вакиллари қўйиб юборилди. Текширув тестлари ўйинчилар организмларида наркотиклар борлигини тасдиқламагач, полициячиларнинг рейдлари вақтида қўлга олинган футболчилар маҳкамадан озод этилди.**

### ЯНГИ МУРАББИЙ

**Ўтган ҳафта охирларида Жазоир Футбол Федерацияси вакиллари махсус баёнот билан чиқишиб, 1 июлдан бошлаб миллий терма жамоага Рабах Маджер устозлик қилишини расмий эълон қилиб ўтдилар. Терма жамоанинг собиқ ўйинчиси бир марта уни бошқаришга ҳам улгурган — 1999 йили унга вақтинчалик ишонч билдиришганди. Энди эса, Маджер бу лавозимни ҳақиқий эгаллайдиган бўлди.**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**2001-2002 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАР:**

1. Чет тили (инглиз тили)
2. Математика ва информатика
3. Кимё ва экология
4. Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги
5. География ва иқтисодий билим асослари
6. Тарих
7. Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси
8. Ўзбек тили ва адабиёти
8. Касбий таълим (техника йўналиши бўйича)
9. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
10. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
11. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
12. Мусиқий таълим

**ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАР:**

1. Чет тили (инглиз тили)
2. Математика ва информатика
3. Рус тили ва адабиёти
4. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш

**ЎҚИШ ҚОЗОҚ ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КУНДУЗГИ БЎЛИМ:**

1. Қозоқ тили ва адабиёти

**ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СИРТҚИ БЎЛИМЛАР:**

1. Тарих
2. Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси
3. Ўзбек тили ва адабиёти
4. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (тўлов-контракт асосида)

**ИЖОДИЙ (КАСБИЙ) ИМТИҲОНЛАР**

Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (тожик гуруҳи) мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиётидан (ёзма), математика (ёзма), тарихдан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Қозоқ тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиётидан (ёзма), тарихдан (оғзаки) имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.

"Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият", "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси", "Мусиқий таълим" мутахассисликларига ҳужжат топширган абитуриентлар асосий мутахассисликлар бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Қолган барча мутахассисликлар бўйича абитуриентлар тест синовлари орқали қабул қилинади.

**ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:**

1. Ректор номига ариза
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ______ (аттестат, диплом) ______
3. 086/у нусхадаги тиббий маълумотнома
4. 6 дона 3x4 ўлчамдаги фотосурат

***АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 20 ИЮНДАН 20 ИЮЛГАЧА, ТЕСТ СИНОВЛАРИ 1 АВГУСТ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.***

Педагогика институти талабалари институтни битирганларидан сўнг ўз мутахассисликлари бўйича ишласалар беш йил мобайнида ҳарбий хизматдан озод этиладилар.

**МАНЗИЛ: Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-В уй.**

**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ**

## Ma'rifatsiz kishilar

# ЎҚИТУВЧИ БЎЛА ТУРИБ...

**Ўқитувчилик — касбларнинг энг эзгуси. Бола тарбиясида у ота-она билан ёнма-ён, баъзан эса устун ҳам туради. Шу нуқтаи назардан у ота-онанинг ҳам, мамлакатнинг ҳам ишонгани, умиди ва таянчи. Вазифаси тақозоси билан ўқитувчи аср вабоси ҳисобланмиш гиёҳвандликдан болаларни асраб қолиш, уларни бу офат кўчасига кириб қолишларининг олдини олиш, умуман, бошқа кўпгина ёмон одатлар, иллатлардан болаларни ҳимоя қилишда қалқон бўладиган киши ўқитувчи эмасми? Ҳа! Аммо ўқитувчининг ўзи гиёҳванд бўлса-чи?! Ҳалиги иллатларнинг сердаромадлигидан виждон ва бурчини сотиб ўзи фойда олиш учун ёшларни заҳарлаш, йўлдан уриш йўлига ўтиб олса-чи?! Бу фожеа! У энди ўқитувчи эмас, икки карра жиноятчидир. У биринчидан, ўзи ўз эътиқодига хиёнат қилаётган бўлса, иккинчидан, у жамиятга, ёшларга хиёнат қилади. Ҳа, энди болалар ҳимоячиси, қалқони эмас, болалар душманига, болалар тақдирини нишонга олган ханжарга айланди.**

**Урганчлик 31 яшар И. Юсупов Тошкент Давлат тиббиёт институтининг Урганч шаҳар филиалида жисмоний тарбия кафедраси мудири бўлиб ишларди. У талаба ёшларни кучқудратли, жасур, Ватаннинг содиқ посбонлари ва бунёдкорлари қилиб тарбиялашга масъул киши. Аммо вилоят ИИБ ЖҚБ ходимлари ўтказган тезкор тадбирлар натижасида унинг ёнидан 80 граммдан зиёд героин моддаси топиб олинди. Бу билан юзлаб бақувват йигитларни ногиронларга айлантириш мумкин. Хўш, энди кафедра мудири қандай одам бўлди?..**

**Шунингдек, Ҳазорасп тумани тиббиёт билим юрти ўқитувчиси, 32 ёшли А.Машарипова, Боғот туманига қарашли А.Навоий номидаги мактаб ўқитувчиси Ф.Содиқов, Қўшкўпир туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси К.Бекжоновлардан турли миқдорда гиёҳвандлик моддалари топиб олинди. К.Бекжонов бунинг устига гиёҳванд моддани пуллаш мақсадида ўзгалар билан жиноий тил бириктиришгача борди. Чунончи, у Қўшкўпир тумани А.Қурбонов жамоа хўжалиги пудратчиси О.Собиров билан топишиб, урганчлик З.Шерназаровага қарийб 50 грамм героин гиёҳванд моддасини 380 минг сўмга пуллаётганларида қўлга олинди.**

**Боғотлик илгари судланган К.Султонов ҳам ўзини ўқитувчи ҳисоблайди. Аслида у ўқитувчи эмас, бу унинг учун бир ниқоб. Туман мусиқа мактаби раҳбарияти ўзида ишлаётган бу ўқитувчининг ниқобини, наҳотки, пайқамаган бўлса? Қўшнилар-чи, унинг уйига шубҳали меҳмонлар келиб кетишини, мезбон ва меҳмонлар бир ёқадан бош чиқариб ёшларни гиёҳванд моддалар билан заҳарлашаётганини сезишмаган дейсизми? Эҳтимол. Аммо кўпчилик лоқайд-лик қилишади, билса ҳам билмаганга олишади, натижада жамият, биз ўзимиз зиён кўрамиз. Мана, бир далил. Ўқитувчи ниқобидаги К.Султоновнинг уйидан 91 грамм, унинг меҳмони Сурхондарё вилояти Бойсун тумани фуқароси А.Аҳатовнинг ёнидан 5 граммга яқин героин моддаси топиб олинди. Уларни фош қилаётган ИИБ ЖҚБ тезкор гуруҳи ходимларига раҳмат, албатта. Аммо жамоатчилик ҳам ҳушёр бўлса, ўз фарзандлари, ёшлар тақдири учун фаол курашишга ҳаракат қилишса, бундай жиноятларнинг олди олинган бўларди, ўқитувчилар орасида ҳам маънавий фожеалар кам бўларди.**

**Мирза АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм вилояти ИИБ матбуот гуруҳи бошлиғи, милиция капитани**

Тошкент шаҳридаги 4-сонли касб-ҳунар билим юрти томонидан 1989 йилда ОДИЛОВА МАЙРАМ АБДЕШОВНА номига берилган Б-309126 рақамли ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2617. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.